

ТАЪЗИЯ



13:50 / 06.10.2021 1844

«Hilol-nashr» нашриёт-матбааси ҳамда Islom.uz портали ижодий жамоаси нашриётимизда узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келаётган, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг кўплаб китобларига муҳаррирлик қилган фидойи инсон Озод Мунавварнинг падари бузрукворлари вафоти муносабати билан марҳумнинг барча оила аъзоларига, шу жумладан, нашриётимизнинг яна бир муҳаррири – марҳумнинг келини Барно Саидрахмон опага ҳам чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини, халқимизга қилган хизматларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

«Мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз», деган сабрлиларга хушxabар беринг».